

Рамазондаги танбеҳлар!



18:22 / 15 март 1504

Баъзи рўзадорларнинг ифтор пайтидаги дуодан ғафлатда қолиши хатодир. Ифтор пайтидаги дуо суннатдир. Бунда рўзадор учун улкан фазл бор ва ундаги дуо рад этилмас. Рўзадорнинг ифтор пайтидаги дуоси ижобат қилингандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч дуо рад этилмайди: ота-онанинг дуоси, рўзадорнинг дуоси ва мусофирнинг дуоси»**, деганлар.

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Оғизни очгач, қуйидаги дуони айтиш ҳам суннатдир: «Заҳабаз-зама’у вабталлатил уруқу ва сабатал ажру, иншааллоҳу таъаалаа» (Чанқоқлик кетиб, томирлар ҳўлланди, иншааллоҳ, ажрлар ёзилди).

Абу Довуд ривоят қилган.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Рамазон ойида менинг умматимга мендан аввалги пайғамбарларга берилмаган беш нарса берилди:

Биринчиси, Рамазон ойининг аввалги кечаси Аллоҳ уларга (раҳмат) назари билан боқади, кимга Аллоҳ раҳмат назари билан боқса, уни ҳеч ҳам азобламайди.

Иккинчиси, уларнинг оғзидаги ҳид Аллоҳ ҳузурида мискнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқ бўлади.

Учинчиси, фаришталар уларнинг ҳақларига туну куни стиғфор айтадилар. Тўртинчиси, Аллоҳ азза ва жалла жаннатига: «Бандаларим учун тайёрлангин ва безангин. Улардан тезда дунё қийинчиликлари, ташвишлари кетиб, Менинг жаннатим ва зиёфатимга келадилар», дейди.

Бешинчиси, Рамазоннинг охириги кечаси бўлганда, уларнинг барчасини Аллоҳ мағфират қилиб юборади», деган эдилар, (атрофдагилар): «Эй Аллоҳнинг Расули, у Қадр кечасими?» дейишди.

Шунда у зот: «Йўқ! Агар ишчилар ишларини тугатсалар, ҳақлари тўлиқ қилиб бериладими?!» Яъни, бу мукофот улар рўзани тўлиқ тутганлари учун берилади, Қадр кечасининг савоби алоҳида берилади).

Насоий ва Байҳақий ривоят қилишган.